

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АИТИМБЕТОВ АМИРБЕК КОИШИБЕКОВИЧ

**БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аитимбетов Амирбек Коишибекович

Балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида).....3

Аитимбетов Амирбек Коишибекович

Совершенствование организационно-экономических основ повышения эффективности рыболовческой отрасли (на примере Республики Каракалпакстан)27

Aitimbetov Amirbek Koishibekovich

Improvement of the organizational-economic basis of increasing of the fishing network (in the case of the Republic of Karakalpakistan.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АИТИМБЕТОВ АМИРБЕК КОИШИБЕКОВИЧ

**БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1485 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ttiame.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султанов Баходир Файзуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, кат.и.х.

Садуллаев Улугбек Норкулович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSC.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «28» Март соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-58, e-mail: admin@ttiame.uz.

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси билан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (261 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@ttiame.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «14» Март куни тарқатилди.

(2023 йил «14» Март даги 2 рақамли реестр базисмаси).



Қ.А. Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий
қошдаги раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

И.О. Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт
фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Н.С. Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари аграр секторининг муҳим таркибий қисми саналган балиқчилик тармоғи аҳолини экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Тармоқ маҳсулотлари анъанавий равишда аҳолининг кунлик овқатланиш рационига киритиладиган юқори қийматга эга бўлган озуқа манбаларидан бири ҳисобланади. “ ... ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига бир йилда истеъмол қилинадиган балиқ гўшти ўртача 25-45 килограмм бўлиб, жаҳон бўйича ўртача кўрсаткич 22 килограммни ташкил этади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосасига кўра, ҳар бир инсон бир йилда ўртача 12-16 килограмм балиқ гўшти истеъмол қилиши талаб этилади”¹. Шунга мос равишда балиқ маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасининг ривожланаётганлиги ҳамда балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганлиги тенденцияси кузатилмоқда.

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари ҳар қандай мамлакатлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳаларига, хусусан, дунё аҳолиси сонининг кескин ошиши, озиқ-овқат муаммоси каби қатор масалалар пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётига ўзининг сезиларли салбий таъсирини кўрсатмоқда. Вазиятнинг бундай ривожланиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг жаҳон хўжалиги конъюнктурасига қарамлигини оширадиган глобаллашув жараёнларининг юқори даражаси билан изоҳланади. Буни истеъмол қилинаётган балиқ маҳсулотлари нархининг ошиши ва танқислигида ҳам кўришимиз мумкин. Шу боисдан, дунё олимлари томонидан аҳолининг фаол ва соғлом ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган миқдорда хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашга доир илмий тадқиқотларга кенг урғу берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси балиқчилик саноати истеъмолчиларини балиқ маҳсулотларига ва қайта ишлаш корхоналарини хом-ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида катта имкониятлар мавжуд. Шу боисдан, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, корхоналарни инновацион технологиялар ва замонавий қурилмалар асосида кенг миқёсда техник қайта қурулантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хом-ашё таъминотини яхшилашга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “ ... ҳосилдорлиги паст бўлган 31 минг гектар сунъий сув ҳавзаларини босқичма-босқич интенсифлаштириш ва балиқ етиштириш ҳосилдорлигини 4-5 баробарга ошириш”² қайд этилган. Бу эса, балиқчилик хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмини янада ошириш масаласида хом-ашё ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

¹ <https://yuz.uz/news/baliqchilik-kooperatsiya--samaradorlik-va-istiqbol-rivojini-belgilaydi>

² Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури. <https://ishonch.uz/archives/8365>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 31 июлдаги ПҚ-606-сон “Балиқчилик соҳасида илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сон “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ва 2016 йил 6 майдаги 145-сон “Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларни тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларининг илмий-услубий асослари R.McConnel, Stanley L.Brue, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензе, Н.А.Попов, Ю.Цеддиес, Е.Райш, А.А.Угаров³ каби хорижлик ва МДХ олимлари ҳамда А.А.Абдуғаниев, Ф.Жўраев, А.Қ.Исмоилов, О.Муртазаев, А.Б.Ахроров⁴ каби республикамиз олимлари томонидан тадқиқ қилинган.

Шунингдек, балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари Р.Х.Эргашев, С.Р.Халиков, У.Х.Беглаев, И.А.Юнусов, А.Р.Қурбонов, Б.А.Сарсенбоев, Б.Элмуродова, Б.А.Қахрамонов, Н.Р.Муллабоев⁵ ва бошқа иқтисодчи олим ҳамда тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган.

³ R.Mc Connel, Stanley L.Brue. Microeconomiks: Principles, Problems and Policies. -15thed. New York, NY, USA: McGraw-Hill/Irvin, 2002.; Roger A.Arnold. Microeconomiks, 6e. Thomson, South-Western, USA, 2004.; С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензе. Экономика (перевод с английского). М.: “Дело”, 2001.; Н.А.Попов. Экономика сельского хозяйства. – М.: «Дело и Сервис», 2001.; Ю.Цеддиес, Е.Райш, А.А.Угаров. Экономика сельскохозяйственных предприятий. – М.: из-во МСХА, 2000.

⁴ Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, 2004.; Ф.Жўраев. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: «Истиклол», 2005.; А.Қ.Исмоилов, О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т., «Молия», 2005.; О.Муртазаев, Ф.Б.Ахроров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т., «Илм-Зиё», 2017. – 416 б.

⁵ Р.Х.Эргашев, С.Р.Халиков, У.Х.Беглаев. Балиқчилик иқтисодиёти. Дарслик, – Т., «Navro`z» нашриёти, 2020. – 298 б.; И.А.Юнусов. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. дис. ... и.ф.ф.д. – Т.: 2020. – 136 б.; А.Р.Қурбонов. Истикболли балиқ турларини етиштириш. Рисола.-2017. – 50 б.; Б.А.Сарсенбоев. Балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида), Т.: «Lesson Press» МЧЖ нашриёти, 2021. – Б.141.; Б.Элмуродова. Балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли жараёнларини моделлаштириш. // O`zbekiston qishloq xo`jaligi. №8, 2016. 42 б.; Б.А.Қахрамонов, Н.Р.Муллабоев. Интенсив усулда балиқ етиштириш. 100 китоб тўплами, 87-китоб. Илмий нашр / «Агробанк» АТБ. – Т.: «Тасвир» нашриёт уйи, 2021. – 96 б.

Мазкур тадқиқотларда балиқчилик тармоғи самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари комплекс равишда етарли даражада ўрганилмаган. Яъни, соҳадаги ҳозирги ташкилий-иқтисодий муносабатлар такомиллашиб бораётган ҳамда институционал ўзгаришлар шароитида минтақада балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини комплекс равишда ўрганиш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати вужудга келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларининг давомийлигини таъминлаш зарурияти мазкур муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари бўйича илмий ёндашувларни тадқиқ қилиш, уни баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш;

балиқчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш;

балиқчилик тармоғидаги таркибий ислохотлар ҳамда тармоқ ривожланишининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш;

балиқчилик хўжаликларининг ҳовуз фонди билан таъминланганлигини баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

балиқчилик хўжаликларининг асосий ва айланма капитал билан таъминланганлик даражасини баҳолаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

минтақавий балиқчилик кластерларини шакллантириш, улар таркибидаги субъектлар ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

балиқлантириш ҳажми ва ундан тайёр маҳсулот чиқиш нормативи бўйича балиқчилик хўжаликларини молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган балиқчилик хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари билан боғлиқ назарий, услубий ва амалий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик тадқиқот объектлари бўйича гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва таҳлил услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

балиқчилик иқтисодий самарадорлик даражасини учта поғонада аниқлаш ҳамда интенсифлаштириш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткич орқали баҳолаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган;

табиий кўл ва ҳовуз балиқчилиги хўжаликлари ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган “Минтақавий кўл-ҳовуз балиқчилиги кластери”ни ташкил этиш асосланган;

минтақадаги тўла тизимли ҳовуз балиқчилиги хўжаликлари учун ишлаб чиқариш фаолиятининг намунавий алгоритми, “Ҳовуз дафтари”нинг намунавий шакли ва уни юритиш тартиби, “Ҳовуз хўжалигининг намунавий паспорти” ва “Ҳовуз балиқчилиги хўжаликлари фаолияти ҳисобот”ининг намунавий шакллари тавсия этилган;

ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида сув хавзаларидан самарали фойдаланишни рағбатлаштириш мақсадида балиқлантириш материаллари ҳажми ҳамда норматив бўйича балиқлантириш материалининг чиқиш фоизига асосан субсидиялаш усули таклиф этилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минтақада балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган ва уларнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллари туркумланган;

балиқчилик хўжаликларининг ҳовуз фонди, асосий ва айланма капитал билан таъминланганлик даражаси баҳолашиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган;

минтақада товар балиқлар ишлаб чиқариш бўйича “Кўл-ҳовуз балиқчилиги кластери” асосида самарадорлигини ошириш механизми таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуга оид хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий-услубий тадқиқот ишларига асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан минтақанинг балиқчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, хусусан мавжуд ресурслардан (ҳовуз фонди, сув, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметларидан) самарали фойдаланиш, балиқчилик кластерларини шакллантириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-

тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан балиқчилик хўжаликларида ҳовуз фонди, асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва кластер тизимидаги корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

балиқчиликда интенсивлаштириш кўрсаткичларини гуруҳлаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлик даражасини урта поғонада аниқлаш ҳамда интенсивлаштириш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар орқали аниқлаш бўйича таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 25 октябрдаги №33/01-04-583-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолида жойлашган табиий кўллар балиқчилик хўжаликларида харажатлар қопланиши ўртача 132-138 фоизни, марказий ва жанубий ҳудудлар туманларининг поликультура ва монокультура шароитида эса ўртача 112-117 фоизни ташкил этган;

минтақадаги табиий кўл ва ҳовуз балиқчилиги хўжаликлари ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган «Минтақавий кўл-ҳовуз балиқчилиги кластери»ни ташкил этиш бўйича таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 25 октябрдаги №33/01-04-583-сон маълумотномаси). Натижада, ҳамкорликдаги фаолият товар балиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини шимолий ҳудудлардаги табиий кўллар балиқчилик хўжаликларида ўртача 126-128 фоизгача, марказий ва жанубий ҳудудлар туманларининг поликультура ва монокультура шароитидаги ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида ўртача 125-127 фоизгача ошиши асосланган;

минтақадаги тўла тизимли ҳовуз балиқчилиги хўжаликлари учун ишлаб чиқариш фаолиятининг намунавий алгоритми, “Ҳовуз дафтари”нинг намунавий шакли ва уни юритиш тартиби, “Ҳовуз хўжалигининг намунавий паспорти”, “Ҳовуз балиқчилигидаги кўрсаткичлар ҳисоботи”нинг намунавий шакллари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 25 октябрдаги №33/01-04-583-сон маълумотномаси).

Ушбу таклифлар натижасида балиқчилик хўжаликлари ички хўжалик ташкилий-иқтисодий ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Балиқлантириш материаллари ҳажми ва товар балиқ чиқиш фоизининг ҳисобга олган ҳолда субсидиялаш усулини такомиллаштириш бўйича таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 25 октябрдаги №33/01-04-583-сон маълумотномаси). Натижада, қўшимча қўйиладиган балиқлар ҳар бир турининг миқдори ишлаб чиқариладиган товар балиқларининг жамига нисбатан 10-15 фоиздан ошмаслиги ҳамда нобуд бўлган балиқлантириш материалларини қоплаш харажатлари 50-65 фоизгача бўлиши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган илмий-назарий хулоса ва таклифлардан “Балиқчилик иқтисодиёти” ва “Балиқчиликда бухгалтерия ҳисоби” фанларининг фан дастурларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнидада фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 23 та жадвал, 18 та расм ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Балиқчилик тармоғи иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва оширишнинг илмий-услубий асослари” деб номланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий моҳияти, уни баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари тадқиқ этилган, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган.

Маълумки, мамлакат аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан пировард мақсад иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу шароитда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти барқарор ривожланишда ва фойдани ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, етарлича иқтисодий самарадорликка эришиш талаб этилади.

Маълумки, балиқчилик чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан саналиб, уни самарадорлигини баҳолаш тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Балиқчиликнинг асосий хусусиятларидан бири ҳовузларнинг балиқчилик тармоғида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканлиги билан ажралиб туради.

Шу муносабат билан бизнинг фикримизча, ҳовуз балиқчилиги муҳим манба саналгани ҳолда, балиқчиликнинг махсус ҳовузлар ёки иншоотлар (қафас ва б.)да балиқларнинг тез ўсадиган турларини кўпайтириш билан шуғулланадиган куйи тармоғи ҳисобланади.

Маълумки, ҳовуз фонди ишлаб чиқариш воситаси сифатида бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Яъни:

– ҳовуз майдони жисмоний ёки маънавий эскириши оқибатида яроқсиз ҳолатга келганида, бошқа асосий воситалар каби алмаштирилиши мумкин эмас;

– ҳовуздан самарали фойдаланганда асосий воситани эскириши кузатилмайди, балки балиқлар учун тирик озукаларнинг кўпайиши ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади;

– ҳовуз майдонидан фойдаланиш фақат табиий озукани базаси ҳисобига балиқ маҳсулотлари етиштириш билан чегараланиб қолмайди, балки уни сунъий озукалар, балиқлар иссиқ сув ва совутгич-ҳавза базасидаги қафаслар ва бассейнларда парваришланганда эса фақат омукта ем ҳисобига кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикасида “ҳовуз хўжаликлари ишлаб чиқариш усулига қараб: экстенсив, ярим экстенсив ва интенсив усулларга бўлинади”⁶. а) экстенсив йўл ўзгармас ишлаб чиқариш воситаларига асосланиб, бунда бир бирлик ишлаб чиқариш ресурсларига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши асосан технология, техник даража ва ишлаб чиқариш тузилмасини ўзгартирмасдан, уларнинг миқдор ўсиши натижасида эришилади.

б) интенсив йўл янги, замонавий ва самарали ишлаб чиқариш воситалари, инновацион технологиялар, шу жумладан асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган асосий тўдадаги балиқларни қўллаш, ҳамда мавжудларини такомиллаштириш ва янги балиқ зотларини яратиш, балиқларни озиклантириш, парваришlash ва сақлаш даражасини такомиллаштиришга асосланади.

Интенсивлаштириш 1 га сув ҳавзасига қўшимча харажатларни талаб қилади, аммо улар фақат, агар балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиши қўшимча харажатларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлсагина самарали ҳисобланади. Балиқчиликни интенсивлаштириш кўрсаткичлари учта, яъни интенсивлаштириш даражаси; натижавий ҳамда интенсивлаштиришнинг

⁶ Шоҳимардонов Д.Р. Минтақаларда балиқчиликни ривожлантириш, «HILOL MEDIA» МЧЖ, Тошкент-2010, - Б.26.

иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари гуруҳларига бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча товар балиқчилигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги даражасини асосий мезон бажарилишини эътиборга олган ҳолда учта поғонага бўлиш асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Балиқчиликни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлик даражаси			
Номи	Кўрсаткичи	Асосий мезони	Эришиладиган натижалар
1-поғона (ярим интенсив)	Кўшимча самара кўшимча харажатлардан 30-50 фоизгача юқори бўлади	Ҳовуз майдони камайиши ва чавоқлар бош сони ортиши, бир йилда икки марта ҳосил олинishi лозим	Сарфланган маблағлар балиқчиликда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди
2-поғона (интенсив)	Кўшимча самара кўшимча харажатлардан 50 фоиздан юқори бўлади	Ҳовуз майдони ва балиқ бош сони камайиши (маҳсулдорлик ортиши), йилига уч ва ундан ортиқ ҳосил олинishi лозим	Бунда сарфланган маблағлар балиқчилик бизнесини кенгайтириш ва рақобатбардошликни таъминлайди
3-поғона (анъанавий)	Кўшимча самара кўшимча харажатлардан паст бўлади.	Ҳовуз майдони ортади, балиқ бош сони ортиши, йилига бир марта ҳосил олинган ҳолатда	Интенсивлаштириш жараёни самарасиз амалга оширилади

1-расм. Балиқчиликни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлик даражаси⁷

Хулоса қилиб айтганда ушбу услубий ёндашув асосида баҳолаш ҳовуз балиқчилигида қўлланилаётган интенсивлаштириш тадбирларини самарали ташкиллаштириш имкониятини яратади .

Диссертация ишининг «**Балиқчилик тармоғидан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида балиқчилик тармоғи ривожланиши таҳлиллари асосида мавжуд тенденциялар аниқланган, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик хўжаликларида асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига баҳо берилган.

Аграр соҳада амалга оширилган таркибий ислохотлар натижасида балиқчилик тармоғи барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолат

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

балиқ маҳсулотлари баҳосига ҳам ўзининг ижобий таъчирини ўтказган. Таҳлиллар йил мавсумлари кесимида балиқ баҳосида катта тебраниш кузатилмаётганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида умумовқатланиш шаҳобчаларида қоврилган балиқ баҳоси ҳам шунга мос равишда таклиф этилмоқда. Аммо етиштирилган маҳсулотни анъанавий усулда қайта ишланаётганлиги (дудлаш) ва аксарият ҳолларда қовурилган ҳолда истеъмол қилишга урғу қаратилаётганлиги ҳамда уларнинг ситеъмол нархини ҳам бозор шароитида ижобий тенденция сифатида баҳолаб бўлмайди. Сабаби бугунги кунда қўшилган қиймат яратиш давр талабига айланиб бораётган бўлиб, истеъмолчилар орасида қайта ишланган балиқ маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда.

Республикада балиқчилик тармоғининг ривожланиши ҳамда истеъмол ҳажмлари минтақавий хусусияти билан ҳам ажралиб туради. Шу боис амалга оширилаётган ислохотларда ҳудудий ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасида балиқ етиштириш минтақавий дислокациясига назар солинса, ижобий ҳолатни кузатишимиз мумкин. Яъни, бир ҳудуднинг ёққол устунлиги камайиб ҳудудларнинг имкониятлари борган сари бир бирига яқинлашиб бормоқда. Бу эса балиқ маҳсулотларининг бозорларда талаб ва таклиф эластиклиги, баҳосининг кескин тебраниши ҳамда истеъмолчиларнинг талабига мослашишда монополь хусусиятларни четлаб ўтишга хизмат қилмоқда.

Маълумки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эълон қилинган истеъмол меъёрларига кўра бир киши бир йилда ўртача 13,37 кг балиқ ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиши талаб этилади. Таҳлилларга кўра Қорақалпоғистон Республикасида 2017 йилда аҳоли жон бошига 3,39 кг балиқ етиштирилган бўлса, 2021 йилга келиб 6,57 кг балиқ етиштирилган (2-расм).



2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига нисбатан етиштирилган балиқ миқдори ва унинг тиббий меъёрга нисбатан фарқи⁸

Тиббий меъёрларга нисбатан эса 2017 йилда 9,98 кг кам, 2021 йилда 6,8 кг кам балиқ етиштирилган. Бу эса мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланил-

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

маётганлиги ҳамда ички бозорда балиқ маҳсулотларига бўлган талаб 50 фоизи ҳам таъминланмаганлигини ўзида ифода этиб, бунга эришишнинг ягона йўли соҳани интенсив асосда ривожлантириш, сарф этилаётган ресурслардан оптимал фойдаланиш талаб этилади.

Маълумки, балиқчилик хўжаликларига асосий воситалар сони ва уларнинг ҳолатини ижобий ўзгариши маҳсулот етиштириш ҳажмига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткул туманидаги «Супер балиқлар» ҳамда Амударё туманидаги «Адилкучан» балиқчилик фермер хўжалигининг балиқ етиштириш иқтисодий самарадорлиги, уларнинг асосий ва айланма маблағлардан фойдаланиш ҳолати таҳлил этилди. Тўрткул тумани «Супер балиқлар» фермер хўжалигида 2017 йилда жами 120 гектар ҳовуз майдонида 150 минг дона балиқ чавоқлари ҳисобига 15,4 ц/га маҳсулдорлик билан 184,8 тонна балиқ етиштирган ҳолда бир килограмм балиқни 8,1 минг сўм таннархида етиштирган. Ушбу йилда хўжаликнинг даромади 1897900 минг сўмни, фойдаси 384718 минг сўмни ва рентабеллик даражаси 25,4 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасидаги балиқчилик фермер хўжаликларига балиқ етиштириш иқтисодий самарадорлиги⁹

Кўрсаткичлар	Тўрткул тумани «Супер балиқлар» фермер хўжалиги		Амударё туманидаги «Адилкучан» фермер хўжалиги		Фарқи, %		
	2017 йил	2021 йил	2017 йил	2021 йил	2017 йил	2021 йил	
Жами ер майдони, га	238,6	670,6	215,2	216,5	90,2	32,3	
Ҳовузлар майдони, га	120	160,2	128,6	128,6	107,2	80,3	
Балиқлаштириш ҳажми, минг дона	150	200,2	176,8	180	117,9	89,9	
Балиқ маҳсулдорлиги, ц/га	15,4	18,7	16,5	18,2	107,1	97,3	
Ишлаб чиқарилган балиқ, тонна	184,8	299,2	212,1	234	114,8	78,2	
Жами харажатлар, минг сўм	1513182	4367210	1869504	3197250	123,5	73,2	
шундан	Чавоқ хариди, минг сўм	450000	660000	495040	504000	110,0	76,4
	Озука харажатлари, минг сўм	853700	2928000	1144000	2340000	134,0	79,9
	Иш ҳақи харажатлари (ажратмалари билан), минг сўм	78000	456000	90000	132000	115,4	28,9
	ЁММ учун сарфлар, минг сўм	30780	96150	35400	71000	115,0	73,8
	Солиқлар, минг сўм	16702	67060	15064	21650	90,2	32,3
	Бошқа харажатлар, минг сўм	84000	160000	90000	128600	107,1	80,4
Маҳсулот таннархи, сўм/кг	8188,2	14596,3	8814,3	13663,5	107,6	93,6	
Жами даромад, минг сўм	1897896	5313792	2189508	4258800	115,4	80,1	
Фойда, минг сўм	384714	946582	320004,3	1061550	83,2	112,1	
Рентабеллик даражаси, %	25,4	21,7	17,1	33,2	67,3	153,2	

⁹ «Супер балиқлар» ва «Адилкучан» фермер хўжалиklarининг йиллик молиявий ҳисоботлари, статистик ҳисоботлари ва жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таҳлил қилинаётган давр оралиғида, «Супер балиқлар» фермер хўжалигида балиқ маҳсулдорлиги ва жами балиқ ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўсиш тенденцияси кузатишган. Яъни, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан мос равишда балиқ маҳсулдорлиги 15,4 ц/га ва 18,7 ц/га ва жами балиқ ишлаб чиқариш ҳажми эса 184,8 тонна ва 299,2 тоннани ташкил этган. Шунингдек, хўжаликда 1 га ҳовуз фондига тўғри келадиган тушум 5916,1 минг сўм/га.ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Супер балиқлар» фермер хўжалигининг ҳовуз фонди билан таъминланганлиги ва ундан фойдаланиш самарадорлиги¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар					2021 йил 2017 йилга нисбатан, %да
	2017	2018	2019	2020	2021	
Жами ер майдони, га	238,6	238,6	615,4	670,6	670,6	281,1
Ҳовузлар майдони, га	120	120	140	145	160	133,3
Асосий воситалар қиймати, минг сўм	112400	78680	3176862	3176862	1217350	1083,1
ш.ж: бино ва иншоотлар	76432	48782	2287341	2382646	949533	1242,3
Иншоотларнинг асосий воситалар умумий қийматидаги улуши, (%)	25	31	46	51	59	236,0
Ишлаб чиқарилган балиқ, тонна	184,8	200	238	270	299,2	161,9
Балиқ маҳсулдорлиги, ц/га	15,4	16,6	17	18,6	18,7	121,4
Фойда, минг сўм	384714	737438	880124	1036996	946582	246,0
1 га ҳовуз майдонига тўғри келадиган ялпи фойда, минг сўм.	3206,0	6145,3	6286,6	7151,7	5916,1	184,5

Лекин шунга қарамасдан, ҳовуз фондидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар пасайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабабларидан бири умумий ялпи фойда ва 1 га ҳовуз майдонига тўғри келадиган ялпи фойданинг камайиши ҳисобланади. Демак, хўжаликда ҳовуз фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун балиқ маҳсулдорлигини ошириш билан бирга, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сотиш баҳосини ва ҳажмини ошириш чора-тадбирларини ҳам кўриш зарур.

Шу билан биргаликда, «Супер балиқлар» фермер хўжалигида 2021 йилда ишлаб чиқаришдаги асосий капитал (воситалар) таркибида энг катта улушни «бино ва иншоотлар» ташкил этиб у 82,2 фоизни, кейинги ўринларда «машина ва қурилмалар» 10 фоиз ва «транспорт воситалари» эса 5,8 фоиздан иборат (3-жадвал).

¹⁰ «Супер балиқлар» фермер хўжалигининг йиллик молиявий ҳисоботлари, статистик ҳисоботлари ва жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Супер балиқлар» фермер хўжалигида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги¹¹

Кўрсаткичлар		Йиллар			2021 йил 2017 йилга нисбатан, %да
		2017	2019	2021	
Жами асосий воситалар қиймати, минг сўм		112400	3176862	1217350	1083,1
Шу жумладан	<i>Бино ва иншоотлар</i>	76432	2287341	949533	1242,3
	<i>Узатувчи қурилмалар</i>	15712	324654	123120	783,6
	<i>Машиналар ва асбоб-ускуналар</i>	2846	152000	43842	1540,5
	<i>Транспорт воситалари</i>	17410	412867	100855	579,3
	<i>Инструментлар, инвентарлар ва бошқа жиҳозлар</i>	0	0	0	0,0
Айланма маблағларнинг йиллик қиймати, минг сўм		79850	191924,5	330871,3	414,4
Ишчиларнинг йиллик ўртача сони, киши		30	42	50	166,7
Ҳовузлар майдони, га		120	140	160	133,3
Фонд билан таъминланганлик, минг сўм		936,7	22691,9	7608,4	812,3
Фонд билан қуролланганлик, минг сўм		3746,7	75639,6	24347,0	649,8
Ҳовузларнинг балиқ маҳсулдорлиги, ц/га		15,4	17	18,7	121,4
Фонд қайтими, минг сўм		16,9	1,3	4,4	25,9
Фонд сифими, минг сўм		0,1	0,8	0,2	386,8
Маҳсулот сотишдан ялпи фойда, минг сўм		384714	880124	946582	246,0
Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти		1,2	1,1	1,3	110,1

Хўжаликнинг фонд билан таъминланганлик даражаси 2021 йилда бу кўрсаткич 7608,4 минг сўм/га.ни, фонд билан қуролланганлик 24347,0 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти эса 1,3 га тенг бўлиб, (ҳақиқий балиқ маҳсулдорлигининг нормативи (15,4 ц/га)га нисбати) бу балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича катта имкониятлар мавжудлигини билдиради.

Ушбу хўжаликда йил охирига товар-моддий захиралар 330871,3 минг сўмни, ишлаб чиқариш захиралари 21092,6 минг сўмни, тугалланмаган ишлаб чиқариш 113575,8 минг сўмни, тайёр маҳсулот ва товарлар 157784,3 минг сўмни, дебиторлик қарзлар 5923,9 минг сўмни ҳамда жами айланма маблағлар 330871,3 минг сўмни ташкил этган. Жадвал маълумотларидан кўринадик, хўжаликда мавжуд товар-моддий захираларининг ошиши ҳисобига бир ишчига тўғри келадиган асосий воситалар улуши 6617,4 минг сўмга, маҳсулот (иш,

¹¹ «Супер балиқлар» фермер хўжалигининг йиллик молиявий ҳисоботлари, статистик ҳисоботлари ва жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

хизмат)лар сотишдан тушумнинг 5313792 минг сўмга ва айланма маблағлар айланувчанлиги ўртача давомийлиги 22,7 кунга ошишига эришилган (4-жадвал).

4-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Супер балиқлар» фермер хўжалигида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар			2021 йил 2017 йилга нисбатан, % да	
	2017	2019	2021		
Асосий воситаларнинг йиллик қиймати, минг сўм	112400	3176862	1217350	1083,1	
Айланма маблағлар қиймати, минг сўм:	79850,0	191924,5	330871,3	414,4	
-ТМЗлар, йил охирига ҳаммаси, минг сўм	4473,0	11600,0	32494,7	726,5	
ш.ж: ишлаб чиқариш захиралари	29015,7	75302,3	21092,6	72,7	
- тугалланмаган ишлаб чиқариш	15623,8	40547,4	113575,8	726,9	
- тайёр маҳсулотлар	9040,0	15022,0	157784,3	1745,4	
- дебиторлар жами	9221,7	49452,2	5923,9	64,2	
- пул маблағлари	12475,8	0,6	0,0	0,0	
<i>Айланма маблағлар тўғри келиши, минг сўм</i>	<i>бир ишчига</i>	2661,7	4569,6	6617,4	248,6
	<i>бир сўмлик асосий воситаларга</i>	0,7	0,1	0,3	38,3
Хом ашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициенти, %	48,1	23,8	20,6	42,8	
Хом ашё ва ярим фабрикатлардан тайёр маҳсулот чиқиши, %	49,5	77,2	73	147,5	
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан тушум, минг сўм	1897896	4217500	5313792	280,0	
Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти, %	23,8	22,0	16,1	67,6	
Айланма маблағлар айланувчанлиги ўртача давомийлиги, кун	15,4	16,6	22,7	148,0	

Тадқиқотлар давомида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл ва Амударё туманларида жами 98 нафар балиқчилик хўжаликлари сўровномалар ёрдамида ўрганилди. Уларнинг 50 нафари (51 фоизи) фермер хўжаликлари, 35 нафари (35,7 фоизи) масъулияти чекланган жамиятлари (МЧЖ) ва 13 нафари (13,3 фоизи) балиқ етиштирадиган деҳқон хўжаликларидан иборат бўлган. Сўровнома иштирокчиларининг 65 фоизи табиий сув ҳавзаларида ва 35 фоизи сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирамоқда.

Сўровномалар давомида улардан балиқ етиштиришда дуч келаётган асосий муаммолар ўрганилганда 56 фоизини сув таъминотидаги нобарқарорлик, 32 фоизини айланма маблағлар етишмаслиги ва 24 фоизини озуқа сифатининг қаноатлантмаслиги каби муаммолар қийнаб келмоқда.

¹² «Супер балиқлар» фермер хўжалигининг йиллик молиявий ҳисоботлари, статистик ҳисоботлари ва жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шунингдек, минтақадаги балиқчилик хўжаликларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун сўровнома иштирокчилари имтиёзли кредит дастурларини ишга тушуриш (36 фоиз), солиқ тўловларининг муддатини ўзгартириш (24 фоиз) ҳамда биржа савдоларини етгиллаштириш (19 фоиз) каби тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайди (3-расм).



3-расм. Айланма маблағлар билан таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар мажмуи (иштирокчиларнинг жамига нисбатан фоизда)¹³

Сўнгги йилларда балиқчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳсулот етиштирувчиларга субсидиялар ажратган ҳолда уларни рағбатлантиришга оид бир қатор қарорлар қабул қилинди. Аммо, ажратилаётган Қорақалпоғистон Республикаси шароитида субсидиялардан барча хўжаликлар ҳам бирдек фойдалана олгани йўқ. Бу қоғозбозлик, хизмат кўрсатувчиларнинг узоқ масофада жойлашганлиги каби омиллар таъсирида янада мураккаблашмоқда. Шу боис, сўровномаларда балиқчилик хўжаликларига қайси турдаги рағбатлантириш дастаклари самарали ҳисобланиши борасидаги саволларга респондентларнинг 41 фоизи балиқлаштириш меъёрига асосан, 37 фоизи ҳозирги ҳолати яхши аммо рақамлаштириш лозимлиги, 35 фоизи эса минтақавий хусусиятларни инобатга олиш лозимлигини таъкидлаган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида, Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини ривожлантиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш, уларни асосий ва айланма воситалар билан таъминлаш орқали балиқ етиштириш ҳажмини оширишнинг қуйидаги усул ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

– балиқчилик хўжаликларини насос станцияларидан оладиган сув учун харажатни камайтириш мақсадида мазкур станцияларни давлат томонидан субсидиялаш тизимини такомиллаштириш орқали сув учун тўловлар миқдорини камайтириш;

– балиқчилик хўжаликларига озуқа экинлари экиш мақсадида етарли ер майдонларини ажратиш;

¹³ Монографик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

– омухта ем ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари сонини ошириш ва уларда тайёрланадиган маҳсулотлар сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– қафас мосламаларда, очиқ сув ҳавзаларида ва ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштиришни кўпайтириш учун уларда озуқа таъминотини яхшилаш чораларини кўриш;

– минерал ўғитни бошқа муқобил ўғитлар билан алмаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқ маҳсулотлари ҳажмини ошириш имкониятини берган ҳолда минтақа аҳолисини сифатли ҳамда меъёр даражасида балиқ истеъмол қилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби “Балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган бўлиб, минтақавий балиқчилик кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тармоқни ташкилий кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари асосланган.

Ўрганилган норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий манбалар таҳлиliga таянган ҳолда таъкидлаш жоизки, табиий кўл ва ҳовуз балиқчилиги шароитида бошқа инфратузилма субъектлари билан интеграллашган Қорақалпоғистон Республикаси шароитларига мос минтақавий балиқчилик кластерларини ташкил этиш ва самарали фаолиятини таъминлаш ҳудуд балиқчилик тармоғини ривожлантиришдаги муҳим масалалардан саналади. Шу боис, бизнингча «Минтақавий кўл-ҳовуз балиқчилиги кластери»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (4-расм).


Ушбу минтақавий балиқчилик кластерларини шакллантириш қуйидаги:

– туман (ҳудуд)даги балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва хусусан, балиқ чавоқларини етиштириш самарадорлигини ошириш, аввало мамлакат аҳолисини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, экспорт салоҳиятини ошириш;

– балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жорий ва стратегик режалаштириш ҳамда прогнозлаш, давлат ва тадбиркорликнинг ўзаро ҳамкорлигини самарали ривожлантириш механизмларини ишга тушириш орқали товар балиқ бозорининг барқарорлигини таъминлаш;

– минтақавий инновацион, инвестицион ва озиқ-овқат хавфсизлиги сиёсатининг мақсадли ва синергетик самарадорлигини кучайтириш, тармоқлараро кооперация ва интеграциялашув ҳамда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш;

– балиқ ва балиқ маҳсулотлари бозорининг ахборот таъминотини яхшилаш, воситачилар сонини қисқартириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини кучайтириш имкониятларини яратади.



4-расм. «Минтақавий кўл-ҳовуз балиқчилиги кластери» фаолият самарадорлигини таъминлаш механизми¹⁴

Шунга мос равишда, диссертацияда мазкур кластерни шакллантириш босқичлари, унинг ташкилий намунавий тузилмаси ҳамда ташкил этилиши лозим бўлган туманлар тавсия этилган.

Балиқчилик тармоғини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини, қўшимча даромадини, шунингдек истеъмол меъёрларини ошириш мақсадида давлат томонидан ташкилий ҳамда иқтисодий-молиявий дастаклардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ташкилий рағбатлантириш дастакларида узоқ йиллик тадқиқотларда балиқчилик хўжаликлари озиклантириш меъёрлари, рационларини, парваришlash усуллари тўғрисида билим ва кўникмалари етишмаётганлигини

¹⁴ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

кузатилди. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда табиий шароитлари бир бирдан фарқ қиладиган ҳудудларда хўжалик юритишнинг намунавий балиқчилик майдонларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шу билан биргаликда балиқчилик хўжаликларида иқтисодий кўрсаткичларнинг шаффофлиги ҳамда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиши учун хўжаликнинг ҳужжат юритиш тизимини такомиллаштириш лозим (5-расм).



5-расм. Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш йўллари¹⁵

Монографик тадқиқот олиб борилган балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги асосий муаммо, балиқ етиштиришда човоқдан тортиб то товар балиқ тайёрлаш жараёнлари умумий ҳажмдаги ҳовузда бир вақтнинг ўзида турли ёшдаги балиқлар етиштирилишида кузатилмоқда. Бу ўз навбатида балиқ етиштиришда човоқларни нобудгарчилигига олиб келгани ҳолда, умумий маҳсулдорликни пасайтиришига сабаб бўлмоқда.

